



МУРУВВАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК МАСКАНИДАГИ ЮТУҚЛАР

Партия етакчиси Фарғонадаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказида бўлди

Сўнгги йилларда инсон қадрини улуғлашга қаратилган ижтимоий давлат сиёсати доирасида кўплаб амалий ишлар қилинди. Тиббий-ижтимоий муассасаларда вазифалар олинган ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий мослаштириш ва уларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш бўйича етарли шарт-шароит яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек,

уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятини ривожлантириш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Айнан юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб ташкил этилган Фарғона вилояти Ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ана шундай мурувват ва инсонпарварлик масканларидан бири.



Алишер Навоийнинг 584 йиллиги

Шаҳки нажот уйига истар паноҳ,
Ушбу йўл ул уйга эрур шоҳроҳ.

Эгри келур хатти чиқаргоч қалам,
Сатр йўли жоддасидин қадам.

Шаръ тариқини шиор айлагил,
Адл ила мулкунгга мадор айлагил.

Шаҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.

Кофири одил ани обод этиб,
Муъмини золим ани барбод этиб.

Шаҳки эрур адл ила даврон анга,
Бўлди сирот ўтмаги осон анга.

Ким юрмак ип уза ком айлади,
Адли чу туз бўлди хиром айлади.

Коминг учун туз бўлу адл айла иш,
Ўқда агар адл йўқ, этмас равиш.

Адлки уч ҳарф ила мақрун эрур,
Ҳар бирига ўзгача мазмун эрур:

“Айн”и анинг меҳре эрур тобнок,
Зулм қаро шомини қилмоққа пок.

“Дол”и даги давлати дин тожидур,
Дин била давлат эли муҳтожидур.

Хўрга гису қўйиғи “лом”и бил,
Иззу шараф қўшларининг домил бил.

“Хайратул-аброр” достонидан.



Партия назорати

Сифатсиз дори воситалари савдосига қаршимиз

Мамлакатимиз аҳолисини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш ўта муҳим вазифалардан биридир. Шу боис фармацевтика ва тиббиёт соҳасини ривожлантиришга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Тизимда олиб борилаётган ислохотларга қарамастан ҳали ҳамон айрим “учарлар” томонидан сифатсиз дори воситаларини мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш ва дорихоналарда сотиш ҳаракати тўхтагани йўқ. Ана шундай муаммоларнинг олдини олиш ва профилактик назорат олиб бориш мақсадида “Адолат” СДП Ғўзор туман Кенгаши томонидан “Сифатсиз ва қалбакилаштирилган дори воситаларига қаршимиз!” лойиҳаси доирасида халқ депутатлари Ғўзор туман Кенгаши депутати Раҳмат Абдуллаев иштирокида жамоатчилик назорати вакиллари дорихоналарда бўлишди.

— Ачинарли томони шундаки, дори воситалари сотилишида қатъий назорат ўрнатилмаган, — дейди Раҳмат Абдуллаев. — Фуқароларнинг эътирозлари бўйича ўрганишларимизда, кўпгина дорихоналарда дори нархларининг қатъий суммада белгиланиши ва ҳар бир дорихонада дори нархларининг бир хил нархда сотуви ташкил этилмаганлиги аниқланди. Умуман олганда, ноқонуний дори воситаларининг сотилишига чек қўйиш учун, аввало, дорихона ходимларининг фаолиятини тубдан ўзгартириш керак. Биз жамоатчилик назорати тартибидеги ўрганишларимиз давомида ноқонуний дори воситалари сотувини ташкил этган дорихона раҳбари ҳамда ходимга нисбатан қонуний чора кўрилишини тушунтирдик.

Шодмон ЭШБОЕВ,
партия фаоли

“АДОЛАТ”ЧИ БОБОНИНГ БОҒИ



Қишнинг изғиринли кунлари бўлишига қарамай далаларда айна кунларда ҳам иш қизғин. Абдухалил ота бу йил 20 гектар ер майдонини ўзлаштириб, яна 40 минг туп кўчат экишни мақсад қилган.





АҲОЛИ ЎРТАСИДА ЙОД ЕТИШМАСЛИГИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида аҳоли ўртасида йод етишмаслиги касалликлари олдидан олиш тизimini такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Фракция йиғилиши



Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш, йод етишмаслиги касалликлари профилактика қилиш ва олдидан олишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, истеъмол бозорини йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирishга қаратилган, шунингдек, ош тузини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилишга доир талабларни белгилаш бўйича қўшимча чоралар кўриш зарурати юзага келяпти.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ йод етишмаслиги касалликлари олдидан олиш профилактикаси озиқ-овқатда йодланган туз ишлатиш ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол

қилиш орқали амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, айрим ош тузи ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ош тузини йодлаш жараёни талабларга жавоб бермайди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ош тузини ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш учун фойдаланиладиган таркибда йод бўлган препаратларни, уларга қўйиладиган талабларни, ош тузини ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлашга, йодланган тузни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлашга ва реализация қилишга қўйиладиган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини белгилаш ҳамда унинг назоратини олиб бориш ваколатлари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга, йод етишмаслиги касалликлари профилактика қилишга, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Мунозаралар давомида депутат Мавлудхон Адхамжонов лойиҳанинг аҳамиятига эътибор қаратиб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан берилган қатор таклифлар эътиборга олингани ва ҳужжат матнида акс этганини алоҳида қайд этди. Савол-жавоблардан сўнг, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда, шунингдек, кун тартибидagi барча масалалар кўриб чиқилиб, фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

МУРУВВАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК МАСКАНИДАГИ ЮТУҚЛАР

Партия етакчиси Фарзонадаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказида бўлди



Партия етакчиси Робахон Махмудова вилоятда олиб бораётган ўрганишлари доирасида ушбу манзилда бўлиб, бу ерда яшаётган кексалар ва ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олди. Шунингдек, марказда уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб қилиш бўйича яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Қайд этиш керакки, давлат раҳбарининг 2022 йил 30 августдаги тегишли қарорига асосан вилоят Божхона бошқармаси ташаббуси билан марказдаги учинчи ва тўртинчи бўлимлар, кутубхона, ёпиқ сув ҳавзаси қайта реконструкция қилинган. Шунингдек, ошхона, васийлар билан учрашув хонаси, ходимлар кийиниш хонаси, марказнинг кириш қисми замонавий услубда қурилиб, керакли мебель ва жиҳозлар билан таъминланган.

— Марказимиз 260 ўринга мўлжалланган бўлиб, 170 ўрин доимий истиқомат қилаётган фуқаролар учун ажратилган, — дейди марказ директори Нигора Асқарова. — Ҳозирги кунда бу ерда 139 нафар ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар доимий равишда яшаб, зарур хизматлардан фойдаланиб келишмоқда. Улар учун барча қулайликлар яратилган: тиббий хизматдан тортиб, маданий ва маъна-

вий тадбирлар мунтазам ташкил этилади. Асосий мақсадимиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини ошириш. Уларга нафақат тиббий ёрдам кўрсатамиз, балки руҳий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда марказимизда даволаш-меҳнат устaxonалари фаолият юритади.

Марказда шартнома асосида пуллик хизмат кўрсатиш тизими ҳам йўлга қўйилган. Битта бўлим 90 ўринга мўлжалланган бўлиб, бугунги кунгача 88 нафар фуқарога хизмат кўрсатилган. Улардан 64 нафари стационар хизматдан, яъни марказда доимий яшаш имкониятидан фойдаланган бўлса, 19 нафар фуқаро кундузги қатнов асосида тиббий-ижтимоий хизматдан баҳраманд бўлган. Шунингдек, 5 нафар кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга мобил шаклда ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатилмоқда. Бунда марказ мутахассислари уларнинг уйларида бориб, зарур ёрдам ва маслаҳатларни тақдим этади.

Масканда 44 нафар фуқаро турли касб-хунар билан шуғулланиб келмоқда, шундан 8 нафари ногиронлиги бўлган шахслардир. Айниқса, аёллар томонидан яратилаётган каштачилик маҳсулотлари ўзининг ноёб услуби ва бадийи хижатдан му-

камаллиги билан ажралиб туради. Тикувчилик, теридўзлик, тўқувчилик, кулолчилик маҳсулотларига талаб юқори. Боғдорчилик ва қуёнчилик каби соҳаларга қизиқувчилар учун ҳам етарли шарт-шароит бор. Робахон Махмудова устaxonаларда меҳнат қилаётган фуқароларнинг фаолияти билан танишар экан, уларни “жасорат эгалари” дея таърифлади.

— Инсоннинг, аввало, қалби бутун, орзулари юксак бўлиши даркор, — деди Робахон Махмудова хунармандлар маҳсулотлари билан танишув чоғида. — “Адолат” партиясининг дастурий мақсадларида ногиронлиги бўлган ва ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва жамиятда ўз ўринларини топишлари учун кенг шароитлар яратиш устувор аҳамиятга эга. Кекса авлод ҳақида қайғуриш доимий диққат-эътиборимизда бўлади.

Бу борада кексаларга мўлжалланган турли-туман тадбирларни ўз ичига олувчи алоҳида комплекс соғломлаштириш дастури ишлаб чиқиш, айниқса, қариялар билан ишлайдиган шифокор-геронтологлар тайёрлашни йўлга қўйиш, шифохоналар ва поликлиникаларда қариялар билан ишловчи шифокор-геронтолог штатини жорий этишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Васийликка олинган кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар нафақат

маҳаллий, балки халқаро кўргазма ва савдо ярмаркаларида ҳам иштирок этиб келмоқда. Каштачи Нодирхон Усмонова шулардан бири.

— Ҳаёт мени ўз синовлари билан синаган бўлса-да, тақдиримдан нолимайман, — дейди у. — 2023 йилда Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган “Artigiano in Fiera” халқаро кўргазмасида иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. Бу мен учун жуда катта ютуқ бўлди. Ўзим каби каштачилар билан бирга тайёрлаган каштачилик маҳсулотларимиз кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотиб, ўз харидорларини топди. Шу маблаг ҳисобида Италиянинг Венеция, Верона, Сермионе шаҳарларига ва Франциянинг Париж шаҳрига саёҳат қилиш имкониятига эга бўлдим. Ўтган йилнинг 1-2 май кунлари ўтказилган “Инсон учун” республика савдо кўргазма-ярмаркаларида фаол қатнашиб, ўз маҳсулотларимизни маҳаллий ва хорижий савдо вакилларига тақдим этдик.

Инсонпарварлик ва адолат таъминоти асосида фаолият юритаётган марказ ва ундаги инсонлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар бисёр. Робахон Махмудова миннатдорлик тариқасида бу ердаги тиббиёт ходимлари ва ижтимоий фаол фуқароларга партиянинг эсдалик совғаларини топширди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Сенатор учрашуви

“Адолат” СДПдан сайланган халқ депутатлари Избоскан туман Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатида доимий асосда ишловчи, Сенатнинг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбидин Бурхонов иштирокида Андижонда маҳаллий кенгаш депутатлари, аҳоли вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

ДЕПУТАТЛАР қонунлар тарғиботчилари

Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши депутатлари, вилоят ташкилотлари, сиёсий партиялар вакиллари иштирокида Андижон вилояти ҳокимлигида дастлабки учрашув бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати томонидан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли жабҳаларига оид қўллаб қўнгунлар қабул қилинаётганлиги, мазкур ҳужжатлар ўз йўналишидаги ишларни тартибга солиш билан бирга, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга, юртимиз тарққиётини ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.



— Қонунчилигимизга киритилаётган ўзгаришларни, биринчи навбатда, биз, халқ вакиллари чуқур ўрганишимиз керак, — дейди халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Насибхон Тўйчиева. — Бугун бу борада билимларимизни оширдик, Қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар билан яқиндан танишдик. Эндиги вазифамиз жамоатчилик орасида тарғибот ишларини олиб бориш бўлади.

“Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

Депутат – халқ хизматидаги одам. Бу ибора кун сайин ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. Бойси, бугун халқ вакиллари ўзларининг кўп вақтини сайловчилар муаммоларини ўрганиш, ҳал этиш, таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратиб келмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари ҳам ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказишди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
Депутат Гулнораҳон Абдувоҳидова Андижон вилоятидаги бир ҳафталик ўрганишлари давомида Андижон шаҳри, Асака, Қўрғонтепа, Жалақудуқ туманларида бўлиб, ҳудудлардаги ижтимоий соҳа объектлари фаолияти, аҳоли учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди. Жумладан, дастлаб Андижон шаҳридаги “Инсон ижтимоий хизматлар” маркази фаолияти, бу ерга ташриф буюрувчи фуқаролар учун яратилган шароитларни яқиндан ўрганди. Шунингдек, депутат Асака туманидаги 12-умумтаълим мактаби ҳамда туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб, ушбу ижтимоий соҳа объектларида ўқувчи ва беморлар учун яратилган шароитлар, куз-қиш мавсумида иситиш тизими фаолиятининг қай даражада йўлга қўйилганини ўрганди. Яқунда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз тавсияларини берди. Қўрғонтепа туманидаги “Мустақиллик” МФЙ маҳалла “еттилиги” билан ўтказилган мулоқотда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар, имитиёзлик кредитлар асосида оилалар даромадини ошириш борасида қилинаётган ташаббуслар таҳлил қилиниб, даромад олишни йўлга қўйган хонадонлар тажрибаси билан танишди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, томорқадан унумли фойдаланиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берилди.



Жалақудуқ туманида ўтказилган мулоқотларда аҳолининг тоза ва сифатли ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш борасида билдирилган муаммони ҳал этиш мақсадида “Оқова сув” тозалаш иншоотларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш борасида бошланган ишларни тезлаштириш юзасидан тегишли мутасаддилар билан маслаҳатлашиб, режалар белгилаб олинди. Энг муҳими, аҳоли вакиллари билан ўтказилган мулоқотлар давомида “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар, Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти сайловчиларга етказилди. Айни вақтда парламент вакиллари томонидан қўриб чиқиляётган қонунлар халқчиллигини ошириш юзасидан сайловчиларнинг таклифлари тингланди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бехзод Тўхтамуродов навоийлик сайловчилар билан учрашиб, ҳудудлардаги аҳоли турмуш шароитларини ўрганди. Депутат Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази Навоий филиалининг фаолияти билан танишиб, янги реконструкция қилинган шифохона биноси ва унинг жиҳозланиши, беморларни қабул қилиш тизими ҳамда тиббий ходимларнинг иш шароитларини ўрганди.



Шунингдек, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган тез тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш юзасидан долзарб масалалар муҳокама қилинди. Бехзод Тўхтамуродов Қармана тумани 5-сон умумтаълим мактабидаги таълим-тарбия жараёнлари ҳамда ўқув шароитлари билан танишди. Хусусан, ўқув биносининг ҳолати, таълим ускуналари ва ўқитувчиларнинг меҳнат шартлари ўрганилди. Таълим муассасасининг ўқитувчилари ва ўқувчилари билан мулоқот қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Ўрганиш якунида депутат маҳаллий ҳокимият мутасаддилари билан бўлган мулоқотда ушбу муассасада таъмирлаш ишларини олиб бориш юзасидан тарбиячи ва ходимларнинг талаб-таклифларини эшитди. Депутат, шунингдек, “Мирсайд Баҳром” маҳалласида маҳалла “еттилиги” ва аҳоли билан очик мулоқот ўтказар экан, маҳалладаги ижтимоий ва инфратузилма масалаларини атрофлича ўрганди. Сўхбат давомида маҳалла “еттилиги”нинг аҳоли билан ишлаш тизими, ёшлар масалалари ҳамда ҳудуд инфратузилма объектларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумот олди. Учрашув якунида маҳалланинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни белгилаш, маҳалла ва жамоат хизматларини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш бўйича таклифлар муҳокама қилинди. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Рашидованинг қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашувлари қизгин кечди.

Шундай учрашувлардан бири Нукус туманидаги “Дийхан арна” маҳалласида ўтказилди. Депутат дастлаб маҳалла “еттилиги” вакиллари билан аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, оилавий тадбиркорлик, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган ишлари тўғрисидаги маълумотларни эшитди. Шунингдек, маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ечимини қутаётган масалалар бўйича таклифларини тинглади. Маҳалла фаоллари билан ўтказилган учрашувда депутат партиянинг Сайловолди дастурида амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар ва уларнинг ижроси, янги қонунлар қабул қилиниши ва қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди. Депутат Нодира Рашидова ёшлар билан сўхбатлашиб, уларга мам-

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наримон Умаров Чирчиқ шаҳрида бўлиб, ўтган йил ҳудудда инвестиция дастурининг бажарилиши ва жорий йилга мўлжалланган дастур режалари билан танишди. Хусусан, жараёнда бир қатор ижтимоий соҳа объектлари ва корхоналарда амалга оширилаётган ислохотлар билан танишди ҳамда маҳаллаларда масъуллар билан сўхбат қилди. Жумладан, “Амир Темури” ҳамда “Нур” МФЙда “еттилик” фаолияти билан танишиб, мавжуд муаммоларни ўрганди. Бу ҳудудларда ишсизликни камайтириш, аҳоли бандлиги ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, жойларда тадбиркорликни ривожлантириш борасида масъуллар билан фикр алмашди. Шундан сўнг депутат шаҳардаги 16- ва 21-умумтаълим мактаблари бинолари ҳолатини кўздан кечирди. Кузатувларга кўра, бу мактабларнинг бинолари капитал таъмирлашга муҳтож. Шунингдек, Чирчиқ шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси тери-таносил касалликлари диспансерида шифокорлар билан мулоқот ўтказди. Жараёнда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш борасидаги таклифлар тингланди. Хусусан, бўлимнинг капитал таъмирлашга муҳтожлиги, тиббиёт ускуна ва жиҳозларнинг етишмаслиги борасида билдирилган мурожаатларни ҳал қилиш борасида масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Елена Борисова пойтахтимизнинг Сергели туманида ўрганиш олиб борди. Хусусан, депутат тумандаги “Хонободтепа” МФЙ фаолияти ҳамда маҳалла ҳудудида жойлашган, 2020 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилган 68-сонли оилавий поликлиникада бўлиб,



КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Ҳайитов ҳамда Қашаши тумани ҳокими Хуршид Усмонов ҳудудларда қишлоқ хўжалиги соҳасида долзарб вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ўрганиш олиб борди. Дастлаб тумандаги Оқрабод ҳудудида фермерлар билан мулоқот қилиниб, қишлоқ хўжалиги майдонлари ўрганилди. Хусусан, “Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ижроси, қишлоқ хўжалиги техникаларини техник қўриқдан ўтиш ҳолати, ғалла майдонларининг маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантириш, маҳсулот етиштиришда илмий ёндошув каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.



лакатиимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар моҳиятини тушунтириш, партияимиз Сайловолди дастурида ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида илгари сурилган мақсадлардан хабардор қилиш мақсадида Қорақалпоғистон юридик техникумида бўлди. Депутат мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустақкам ҳуқуқий база яратилгани ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда доим такомиллаштирилиб борилаётганини таъкидлади. “Адолат” СДП Сайловолди дасту-

рида ҳуқуқий давлат барпо этиш, коррупцияга қарши курашиш, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганига ургу берди. Шунингдек, депутат Нукус шаҳар Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида бўлиб, тиббиёт муассасаси ходимлари билан сўхбат ўтказди. Соҳа вакилларига мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустақкамлаш борасидаги чора-тадбирлар, соҳага

оид қонунчилигимиздаги сўнгги янгилликлар тўғрисида маълумот берди. “Адолат” СДП Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, “электрон поликлиника” ва “ягона электрон анкета” тизимларини йўлга қўйиш, хусусий тиббиёт, таълим ва овқатланиш корхоналарида санитария-эпидемиология назорати амалга оширилишини кучайтириш орқали аҳолини заҳарланиш ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш каби вазифалар ўрин олганини таъкидлади. Депутат муассаса ходимларининг соҳага оид таклифларига алоҳида эътибор қаратди.



Н.Умаров Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида иштирок этди. Унда 2025 йилда шаҳарни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш ва аниқланган муаммоларни ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди. Ийгилишда давлатимиз раҳбарининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда белгиланган долзарб вазифаларни давлат ижро органлари томонидан бажарилиши депутатларнинг доимий назоратида бўлиши ва мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этишни таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилрабо Халбоева Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Абдужалил бобо” МФЙда бўлиб, сайловчилар билан учрашув ўтказди. Учрашувда маҳалла фуқароларининг мурожаатлари депутат томонидан ўрганилди. Жумладан, фуқаро К.Темурбеков туман Ободонлаштириш бўлимида ишлаб, узок вақтдан буён меҳнат таътил берилмаётганидан норози эканини билдирди. Депутат Д.Халбоева вазиятни ўрганиб, Ободонлаштириш бўлими бошлиғи А.Нурмухамедов билан сўхбатлашди ва фуқаронинг муаммоси жойида ҳал қилинди.

нинг бепул етказиб берилиши билан боғлиқ масалалар ўрганилди. Ёнгиргарчилик натижасида ёлғир суварларнинг поликлиника биноси томонга оқиб келиб, ертўлада тўпланаётгани билан боғлиқ салбий ҳолат аниқланди. Ушбу масала юзасидан туман мутасаддилари билан амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар юзасидан келишиб олинди. Шунингдек, ўрганишлар жараёнида боғча биносининг 1978 йилда қурилиб, бугунги кунда капитал таъмирлашга муҳтож экани маълум бўлди. Боғчанинг машғулоти, ўйингоҳ майдонлари ва тиббий хоналари эскирган бўлиб, янги моддий-техник база талаб этилади. Мусика машғулоти ўтиладиган хонада машғулоти ўтиш учун ўқув-услубий қўлланмалар йўқ. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан услубий ҳамда мусиқий қўлланмалар нашрга тайёрланиб, чоп этилган ҳамда улардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилган.





Асқаржон ИКРОМОВ.
1995-йил

СИЁСАТЧИ МУҲАНДИС

Вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги бунёдкорлик ишларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Асқар Икромовни Наманганда кўпчилик яхши танийди ва ҳурмат билан тилга олади.

Муҳиддин ОМАД, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Зиёли оилада туғилиб вояга етган ёш Асқаржоннинг зехни анча баланд эди. Вилоят халқ таълимида инспектор бўлиб ишлаган отаси Шаҳобиддин Икромов беш нафар фарзандининг ўқимишли бўлишини хоҳларди. Улар орасида ўзгача феъли, яъни адолатпарварлиги билан ажралиб турадиган Асқаржонга алоҳида эътибор қаратарди. Байналмилал маҳаллада русийзабон болалар кўп эди. Ўша болалар билан ўртоқлашган Асқаржон тенгқурлари билан рус тилига ихтисослашган 34-урта мактабда таълим олган.

— *Синфимиздаги 31 нафар синфдошимдан 21 таси мактабни олтин медал билан битирган, —* дея эсга олди Асқаржон Икромов. — *Бунда ҳарф танитган биринчи ўқитувчим Бударина Мария Ивановнанинг ҳиссаси катта. Бу аёл бизларни ўз боласидай ўқитган, тарбиялаган.*

— *Олтин медалчилар орасида сиз ҳам борми?* — сўрайман қизиқиб.

— *Йўқ, —* дейди у. — *Кимё фани ўқитувчиси табелимга уч баҳо қўйиб қўйган. Чунки бу фанга қизиқмасдим. Лекин кимё фани керак экан. Буни олиб маълумотли бўлиб, ташкилотларда ишлаб юрган пайтимда сездим.*

— *Адабиёт-чи, сизга ёқармиди?*

Асқаржон Икромов саволни эшитган заҳоти рус тилида Пушкиннинг "Богчасарой фонтани"дан бир парчасини ёддан айтиб бергач, деди:

— *Адабиёт фанидан дарс берадиган ўқитувчидан бир марта танбех эшитиб, рус адабларининг барча, ҳатто дарсдан ташқари асарларини бир бошдан ўқиб чиққанман. Истаган адаб ҳақида сўрасангиз, унинг ҳаёти ва ёзган асарлари ҳақида гапириб бера оламан...*

Зийрак ва иқтидор эгаси бўлган Асқаржон Икромов 1958 йилда Тошкент ирригация ва механизация институтига ўқишга кириб, муҳандис-механик мутахассислиги бўйича диплом эгаси бўлди ва дастлабки фаолиятини 1963 йилда Ўрта Осиё илмий текшириш институтига илмий ходимликдан бошлади. 1965 йилда машина қурилиши заводида муҳандис-технолог, 1969 йилда "Колхозстрой" трестига бош механик, 1970 йилдан механизация бошқармаси бошлиғи, 1979 йил машина қурилиш заводи директори, 1985 йилдан 2000 йилгача Наманган уйсозлик комбинатига директор вазифасида ишлаб келди.

Асқаржон Икромов ҳар соҳада биринчилардан бўлгани каби, "Адолат" социал-демократик партиясида ҳам илк фаоллардан бўлди. У партиядан кўрсатилган номзод сифатида 1995 йилги сайловда 85-«Дўстлик» сайлов округидан Олий Мажлис депутати этиб сайланган ва Олий Мажлиснинг қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси бўлган.

Қаҳрамонимиз ўттиз йил аввалги хотиралари билан ўртоқлашаркан, шундай дейди:

— Бир куни вилоят ҳокими Бургутаали Рашидалиев мени ҳузурига чақириб: "Сизни янги ташкил топган "Адолат" партияси вилоят кенгашининг биринчи котибига тавсия этдим", деди. Мен ҳайрон бўлиб: "Бургутаали ака, ахир мен техник ходимман, ишлаб чиқарувчиман, лекин сиёсатчи эмасман", дедим. Вилоят ҳокими мийғида кулганча: "Сиз сиёсатни ҳам ундайсиз, боринг, қабул қилиб олинг", дея қўлимни сиқиб қўйди.

Шундай қилиб, 1995 йилнинг 27 апрелида Наманган шаҳрида "Адолат" социал-демократик партияси вилоят ташкилотининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди.

Уни Учқўрғон туманидаги 20-умумтаълим мактаби директори, Олий Мажлис депутати, "Адолат" СДП таъсис қурултойи делегати Ҳасанбой Қурбоналиев очди.

Конференцияда "Адолат" СДП Марказий аппарати Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби, Республика "Конструктор" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Олий Мажлис депутати, халқаро Муҳандислик академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи, техника фанлари доктори, профессор Абдували Ғуломмаҳмудов сўзга чиқиб, конференция иштирокчиларига партиянинг мақсади, Низоми ва Дастури ҳақида гапириб берди. Конференция "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгашини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Конференция иштирокчилари вилоят кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларини сайладилар. Сўнг "Адолат" СДП вилоят кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди.

Унда "Адолат" СДП вилоят кенгашининг ҳайъати ва котиблари сайланди. Партиянинг

тиқ эди. Кейин сафимизга кўплаб ёшлар қўшилди. Партиянинг номи ўзига хос танланган — Адолат! Бу жарангдор сўз ҳар қандай кишини серагланттиради, ўзига хорлайди. Мен "Адолат" партиясининг биринчи котиби ва Олий Мажлисдаги биринчи депутатларидан бири бўлганимдан доимо фахрланаман!

— Ҳозир партиядо бир миллиондан ортиқ аъзо бор экан, шундайми?

— *Ҳа, шундай! Бир миллион бир юзу ўн мингдан зиёд. Вилоятимиздаги партия аъзолари етмиш беш минг нафардан ошди. Сиз айтмоқчи, ёшларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда...*

— Баркалла! Давлат тараққиётида сиёсий партияларнинг, депутатларнинг муносиби ўрни бор. Улар халқчил қонунлар қабул қилинишида, халқнинг таклиф ва муаммоларини ҳукуматга етказишда асосий куч ҳисобланади. Бу билан давлат иқтисоди, сиёсати, обрўси ошади. Қаранг, ўттиз йил ичида қанча ўзгариш бўлди, охириги йилларда мамлакат батамом янгиланди. Иқтисодий жиҳатдан бақувват. Шаҳар билан қишлоқнинг фарқи қолмаяпти. Бизнинг давримизда уйлар икки қаватдан ошмасди. Мен талашиб-тортишиб, зўрга уч-тўрт қаватли уйларни қурганман. Ҳозир вилоятимизда ўн олти, йигирма қаватли уйлар қад ростляпти. Маданий-маиший иншоотлар, яшилликка бурканган боғлар барпо этиляпти. Бунинг ҳаммаси биз ва келажак авлод учун бўляпти. Ишлаб чиқаришда Ўзбекистон атрофдаги давлатлардан анча олдинда. Кўчага машина сиғмайди. Бозорлар тўла.

Дарвоқе, Соҳибқирон Амир Темура бобомиз бежиз "Бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, қурган иморатларимизга боқинг!" демаганлар.

Ҳа, Республикада хизмат кўрсатган қурувчи Асқаржон ака Икромов ҳаётдан ва бугунги сиёсатдан рози. Халқ таълими аълочиси, физика-математика фани ўқитувчиси бўлган турмуш ўртоғи Мавлуда опа Ҳасанова билан Тошкентда ишлаб юрган пайтда танишиб, тумуш қуришган экан. Фарзандлари — бир қизи-ю тўрт ўғли ва неваралари ҳам олий маълумотли. Бундан ортиқ бахт борми?!

— Энг муҳими — тинчлик ва хотиржамлик бардавом бўлсин, — дейди Асқаржон Икромов. — Орамиздан оқибат аримасин. Мени йўқлаб келганимнинг ўзи адолат борлигидан нишона...

Асқаржон ака билан суҳбат чоғида унинг спортни севадиган инсон эканини англаб олдим. Бир пайтлари велосипедларда қатнашган ва шу тур бўйича спорт устаси бўлган экан. Айтишича, етмиш беш ёшгача дори ичмаган. Бир сўз билан айтганда, ҳалол меҳнат қилиб, ҳеч кимнинг кўнглига озор бермаган, халқ эътиборини қозонган, қўл остидагиларга меҳрибон раҳбар бўлган. Ана шунинг учун ҳам у бугун пире бадавлат.

Қутлуг сана олдиан партияимизнинг фахрий аъзоси, 85 ёшни қаршлаётган Асқаржон ака Икромовга узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз!

вилоят кенгаши биринчи котиби этиб Наманган уйсозлик комбинатининг директори, Олий Мажлис депутати Асқаржон Икромов, иккинчи котиб этиб вилоят ҳукуқий маслаҳатхона адвокати Ҳакимжон Ҳалилов ҳамда котиби этиб Учқўрғон туманидаги 20-умумтаълим мактаби директори, Олий Мажлис депутати Ҳасанбой Қурбоналиев сайландилар.

Ўша тарихга муҳрланган кундан эътиборан Асқаржон Икромов зиммасидаги масъулият яна бир ҳисса ошди.

— *Асқаржон ака, ўша пайтда партия аъзолари қанча эди?*

— *Ушанда Чуст ва Учқўрғон туманларида партия аъзолари сони 50-60 нафардан ор-*

ИЗЛАНИШ — МУВАФАҚҚИЯТЛАР ОМИЛИ

Ўттиз йил давомида "Адолат" социал-демократик партияси шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтди, сиёсий куч сифатида тобланди, катта тажриба тўплади. Бу йиллар мобайнида партия мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнини мустаҳкамлаб, адолат ва тараққиёт гояларини илгари суришда етакчи кучга айланди. Мустақилликнинг илк йилларидан буён партия ўз сафини кенгайтириб, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида қадамма-қадам олдинга интилиб келмоқда.

Шубҳасиз, партиянинг сиёсий майдонда етакчи мавқега эришишида унинг фаоллари, депутатлари ва садоқатли аъзолари ҳал қилувчи ўрин тутди. Улар орасида Жарқўрғон туман кенгаши раиси лавозимида фаолият олиб бораётган Очил Жияновнинг меҳнати алоҳида эътирофга лойиқ. 30 йиллик олдида у билан қилган суҳбатимиз айнан ўтган даврдаги партия фаолиятининг туман даражасида қай даражада ташкил этилгани, эришилган ютуқлар ва қўлга киритилган тажриба хусусида бўлди.



— *Очил ака, туман кенгашлари етакчилари орасида узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган раҳбарлардан бирисиз. Айтинг-чи, партиянинг илк йиллардаги ва ҳозирги кундаги фаолиятини солиштириб қараганда, қандай ўзгаришлар бор?*

— Ўтган йилларда партиямиз давлатимизнинг бугунги тараққиётига, демократик кадрларни мустаҳкамлаш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришига муносиб ҳисса қўшди, деб бемалол айта оламан. Менинг ҳам 20 йилдан ошқ фаолиятим партияга бевоқиф бўлди. 2002 йилда партияга аъзо бўлдим ва 2007 йилда Жарқўрғон туман кенгаши раислигига сайландим. Бу ниҳоятда ҳаяжонли ва масъулиятли жараён эди. Чунки ўша йилларда мамлакатимизда икки палатали парламент тизимига ўтилган ва унинг ваколатлари, нозорат функциялари кўпайганди. Шунга яраша фаоллар зиммасидаги масъулият ҳам ошган. Албатта, янги демократик муҳитда биздан ҳам янги ҳал қилувчи талаб қилинарди.

Партия фаолиятини кучайтириш, електрат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш, партиявий тадбирларни тақомиллаштириш устида тиним билмай изландик. Ушанда туман кенгашида 6 нафар депутатимиз бўлган. Ҳаммамиз бор куч-ғайратимизни, билим ва тажрибамизни янги ҳуқуқий шароитда фаолиятни кучайтириш, партиянинг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратдик. Ана шундай муҳим паллада сайлов жараёнларида фаол қатнашдик, партиялар аро тортишувларда ўз позициямизда мустаҳкам турдик. Лекин у пайтларда ишлаш учун шарт-шароит кам эди. Кичкина, қишда иситиш тизими йўқ хоналарда ишлардик.

Шундай бўлса-да, амалий натижаларга эришган фаоллардан бири эдик. Туманнинг чекка қишлоқларига борганимизда, ички йўллар кўпроқ таъмирталаб бўлар, таъмирлаш бўйича мутасаддилар билан мазкур муаммоларни ҳал қилар эдик, электр энергиясидан қарздорлиги бўлган фуқароларга ёрдам бериб, бемор фуқароларни касалхоналарга жойлаштириб, бепул дори-дармон билан таъминлашда амалий ёрдамлар кўрсатар эдик. Туман марказида қатнов яхши бўлгани билан чекка қишлоқларга борадиган йўловчи транспорт йўқ эди. Шу боис йўлда қийналардик, қандай увов тўғри келса, шу билан бориб, муаммоларни ечишга ҳаракат қилардик.

— *Депутатлик фаолиятингиз давомида аҳолининг ишончини қозонишнинг энг самарали йўллари қандай бўлган, деб ҳисоблайсиз?*

— Бу ерда асосийси — одамларни тинглай билиш. Халқ депутатларнинг ўз сўзини амалий ишлар билан асослашини истади. Бугун ишлаш учун шароит етарли. Масалан, ҳозир интернет, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш анча оммалашди. Барча мутахассислар компьютер тизими, туманларга қатнаш учун енгил автомашина билан таъминланди. Партия лойиҳалари кенгайди. Тадбирлар, аҳоли билан учрашувлар тақомиллашди. Мафқуравий ва тарғибий-ташвикий масалаларда кўплаб амалий, ижтимоий лойиҳалар амалга оширилди. Барча ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган форумлар ташкил этидик, кейинчалик бу ҳақида одамларнинг ўзи-

дан жуда яхши, илиқ фикрлар эшитдик. Амалий руҳ билан йўрилган тадбирларимиз орқали қанчадан-қанча одамларнинг муаммолари бартаф этилди, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак берилди.

— *Қийинчиликлар ортида катта ютуқлар ҳам бор, албатта. Узоққа бормасдан, яқин вақт ичида амалга оширилган ишларнинг натижалари бўйича нималар дея olasиз?*

— Ўтган йиллар партия ташкилотлари, депутатлари ва фаолларидан катта масъулият талаб этган. Биз шунини чўқур ҳис этган ҳолда, аҳоли ва електратимиз манфаатларини ҳимоя қилдик. 2019 йилда халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгаши депутати этиб сайландим, айни пайтда туман Кенгаши раиси лавозимида ҳам фаолиятимни давом эттирдим. Депутатлик фаолиятимда мен яна 5 нафар депутатимиз билан елкама-елка туриб, партия лойиҳалари доирасида ва нозорат-таҳлил жараёнларида фаол иш олиб бордик. Сайловчиларни ўйлантириб келаётган қўлдан-қўл масалаларни ҳал қилишда бош-қош бўлдик, електратимиз манфаатларини ҳимоя қилдик. Биз партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилишдек масъулиятли ишларда жонбозлик кўрсатдик, дея оламан.

Хусусан, партиянинг "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида тумандаги "Деҳқонбод" МФЙ ҳудудида аҳоли билан ўтказган мулоқотларимизда шу маҳаллада истиқомат қилувчи Ҳ.Сафарова хонадонидо бўлдим. У менга хорижий давлатларда ишлаб қарчаганини, ўз уйида тадбиркорлик қилишини мақсад қилганлигини айтиб, иссиқхона ташкил этиш учун банкдан имтиёзли кредит олишда муаммоларга дуч келаётганлигини маълум қилди. Муржаат юзасидан туман ҳокимлиги мутасаддиларига учрашиб, "Микрокредитбанк" туман филиалидан 33 миллион сўм кредит ажратиб орқали масалани ҳал қилишга эришдик.

Шунингдек, пандемия даврида туман кўп тармоқли марказий поликлиникасидаги тиббиёт ходимлари билан бўлган учрашувларда мазкур муассасада электр соҳасида эски трансформатор масаласи анчадан буён ҳал қилинмасдан келинаётганлиги ҳақида шикоят бўлди. Ушбу муаммони ўрганиб, туман электр тармоқлари корхонасига сўровнома юбордим. Сўров ижобий ҳал қилиниб, катта кучланишга эга янги замонавий трансформатор ўрнатиб берилди. Бу каби ишларимизни санасам жуда кўп.

— *Юртимиз равақи ва партиямиз гояларини мустаҳкамлаш йўлида партиядошларимизга тилақларингиз...*

— Шуниси қувонарлики, Ўзбекистондаги янги ислохотлар шароитида партиямизнинг дастурий гоялари ва мақсадлари янада чуқурлашди. Мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, барча йўналишдаги ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган энг муҳим масалалар қамраб олинди. Шунга монанд равишда партиямизнинг янги раъзи, логотиплари тасдиқланди. Ўтган йиллар давомида юртимиздаги барча Президентлик ва парламент сайловларида муносиб иштирок этди. Бу жараёнлар партиянинг сиёсий тажрибасини оширди, уни мафқуравий, ташкилий ва услубий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча партиядошларни, фаолларимизни, фахрийларимизни партияимизнинг 30 йиллиги билан табриклайман. Улуғвор гояларга асосланган ва сифидо фидойий инсонларни бирлаштира олган партияимиз жоноҳон Ватанимизнинг тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлиги йўлида хизмат қилишга ишонаман!

Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби
Гулшод ТУРСОАТОВА суҳбатлашди

2025 йил – “АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА
“ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” йили



“АДОЛАТ”ЧИ
БОБОНИНГ БОҒИ

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси она табиатимизни асраб-авайлаш, иқлим ўзгаришлари туфайли юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олишга, энг муҳими, жаннатмакон юртимизни келажак авлодга бекам куёт қолдириш йўлидаги бирдамлик ҳаракатидир.

Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
“Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши
матбуот котиби

“Адолат” СДП фаоли, олтиариқлик тадбиркор Абдухалил Маматов ана шу ташаббусга жавобан 60 000 туп кўчат эккан ватандошларимиздан. Асли касби инглиз тили ўқитувчиси бўлган Абдухалил ота 1972-1985 йилларга қадар Фарғона давлат университетининг инглиз тили кафедрасида талабаларга сабоқ беради. У рус ва инглиз тилларини мукамал билиши, иқтисодий билимдонлиги боис 1985 йилдан бошлаб Олтиариқ туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлов идорасига раҳбар лавозимига тайинланади. Меҳнат фаолияти давомида халқимизни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда нафақат ҳамдўстлик давлатлари, балки хорижий давлатлар билан ҳам шартномалар тузиб, ички бозорларимизнинг арзон ва мўл-кўл бўлиши йўлида тиним билмайди. Кейинчалик ишбилармон Ўрта Осиё тайёрлов масъулияти чекланган жамият раиси сифатида ҳам фаолият олиб боради.

Абдухалил Маматов туманда “Маматхўжа агрофайз” фермер хўжалигига асос солиб, ер билан тиллашди. У бош бўлган фермер хўжалигининг 203 гектар экин майдони бўлиб, ундан 110 гектари ғалла ва 20 гектарида пахта экинлари парвариш қилиниб, ҳар йили юқори ҳосил олиб, муваффақиятларга эришиб келади. Бироқ фермер хўжалигининг чўл ҳудудлари билан туташ 73 гектар ер майдони сув танқислиги

сабабли фойдаланилмай қақраб ётар эди. “Қаловини топсанг қор ҳам ёнади”, дейди халқимиз. 2024 йили Абдухалил отанинг ташаббуси ва шахсий маблағлари эвазига “Қизилтепа-Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг 4 К-910 сонли қисмида 4,5 километр масофага қувур ётқизи-либ, сув келтиришга эришилди. Ўзлаштирилган 30 гектар ер майдони-га 60 000 туп кўчат экишга муваффақ бўлинди.

Қишнинг изгиринли кунлари бўлишга қарамай далаларда айна кунларда ҳам иш қизгин. Абдухалил ота бу йил 20 гектар ер майдонини ўзлаштириб, яна 40 минг туп кўчат экишни мақсад қилган. Заминга ниҳол қадаш ишнинг бир қисми, уни парваришлаш инсондан катта сабр ва жиддий меҳнатни талаб этади. Шу боис ҳам ҳар тонг Абдухалил Маматов отига миниб, кўчат қадалган майдонларни бирма-бир айланишни қанда қилмайди. Ниҳолларга сув ва табиий озуқа билан бирга, энг аввало, боғбоннинг меҳри даркорлигини яхши билади.

Абдухалил отанинг маънавиятимиз, маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси алоҳида бир китоб. Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган натижалари ҳам оммалаштирса аризуғилик. – Тил билган асло кам бўлмайди. Ҳаётим давомида Туркия, Миср Араб Республикаси, Ҳиндистон, Германия, Франция, Польша, Эрон давлатларида бўлдим. Улар-

даги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги илғор тажрибалар билан яқиндан танишдим. Буларнинг барчасига инглиз, рус тилларини мукамал билганим кўл келди. Ҳозир дунёнинг турли давлатларида етиштирилаётган новёб дарахтларнинг уруғини, кўчатини келтириб, ўзимизда маҳаллийлаштирилган ҳолда халқимизга етказиб бериш ҳаракатидаман. “Голубой ель”, “Лимонка”, “Каштан” каби дарахт кўчатларини олиб келиб, арзон нархларда етиштириш учун туркиялик тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш арафасидаман. 55 йиллик меҳнат фаолиятим давомида кўп яхши инсонларни ҳам, ёмонларни ҳам кўрдим. Ерга меҳр қўйсаниз, меҳр бўлиб қайтади, ҳалол бўлсангиз қадрингиз ошади, – дейди Абдухалил ота ўтган умрига назар ташлар экан.

Бундан 3-4 йил аввал Республика раҳбарларидан бири Олтиариққа келади. У Абдухалил отанинг чўл ерларида етиштирилган пахта, бугдой экинларини кўриб, жуда хурсанд бўлади. У туман раҳбарларига зудлик билан бир қўчқор топтириб келишларини айтади.

– Мен ўз юмушларим билан бўлиб, у кишининг далаларини кезиб юрганини билмабман ҳам. Хабардор бўлишим билан шошилиб етиб келдим. Ерда бир қора қўчқор оёқлари боғланган ҳолда ётарди.

Раҳбар менга кўзи тушиши билан қассоб йигитга:

– Қўйини шу одамнинг оёғи остига сўйинглар, – деса бўладими?!

– Мен сизнинг оёғингиз остига қўй сўймай, менинг оёғим остига қўй сўйдирасизми? – дедим хижолат бўлиб.

Раҳбар сўзидан қайтмайдиган одам экан.

– Сизнинг фидойи меҳнатларингиз ҳаммамиз учун ибрат бўлиши керак. Сиз бундан ҳам зиёдасига муносибсиз, – деди.

Ўша кунни ўтган умрим бесамар кетмаганига, аяхиликларнинг ажрига эришганимдан қувонч ёшлар

73 гектар ер
майдонлари сув
тақчиланги
сабабли фойда-
ланимай қақраб
ётар эди.

“Қаловини топсанг қор ҳам ёнади” дейди халқимиз.
2024 йили Абдухалил отанинг ташаббуси ва шахсий маблағлари эвазига
“Қизилтепа-Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг
4 К -910 сонли қисмида 4,5 километр масофага қувур ётқизи-либ, сув келтиришга эришилди. Ўзлаштирилган 30 гектар ер майдони-га 60 000 туп кўчат экишга муваффақ бўлинди.

рини тўкканим рост...

80 ёшни қоралаб қолган отахон умр йўлдоши Раҳимахон Маматова билан тарбиялаб вояга етказган 5 нафар фарзандининг барчаси олий маълумотли, жамиятда ўз ўрнига эга эканлигидан севинади. 15 нафар невараларининг қалбига ҳам ҳалолликни сингдиришга интилмоқда.

– Билим эгалла, ҳалол бўл! Шу икки ҳикмат инсонни балолардан асрайди, қадрини улуглайди, – дейди Абдухалил ота ҳаёт синовларидан ўтган умр йўлларини эслар экан.

Инсон умрини оқар дарёга қиёслайдилар. Абдухалил Маматов эса заминдан бахт излаган ва барча тоғанларини эзгулик йўлида сарфлай олган инсон. У она замин бағрига қадаган ниҳоллар эса адолатчи боғбон “Абдухалил бобонинг боғи”га айланишига ишонамиз.

Китобингизни ўқидим

“Варақсиз
дафтар даги
битиклар...”

Таниқли
журналист ва моҳир
ёзувчи, серқирра
иждоқор Маматқул
Ҳазратқуловнинг
кутлуғ 78 ёш
остонасида “Олтин
мерос пресс”
нашриётида
“Варақсиз дафтар”
китоби нашрдан
чиқди.

Лазиз РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси аъзоси,
Сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори



Маматқул Ҳазратқулов гарчи узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида давлат юмушлари билан банд бўлган эса-да, сермаҳсул иждо қилган ёзувчилардан бири, дея оламан. “Оққуш”, “Ёруғ кун”, “Чўли ирок”, “Ҳаётнинг бир парчаси”, “Журъат”, “Қуёш мен томонда”, “Қўзичоқнинг кўз ёшлари”, “Интизор”, “Эшиклар очик”, “Икки соҳил”, “Сеғи сози”, “Гладиолус”, “Китобим ичра сен борсан”, “Қизил ва яшил” каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари буларга мисолдир.

У драматург сифатида ҳам кўплаб асарлар муаллифи ҳисобланади. “Меҳр кўп кўргиздим...”, “Меҳмон”, “Қадрим”, “Ҳақ сўз”, “Афандининг янги сарғу-заштаари” пьесаари мамлакатимизнинг турли театрларида сахна юзини кўрди. “Сайёра” балетининг либреттосини яратди, “Ипаклари тиллодан”, “Нон” каби ҳужжатли фильмлари томошабинларга ниҳоятда манзур бўлди.

Адиб таржимасида Озарбойжон халқ ёзувчиси Анарнинг “Албатта учрашамиз” номаи ҳикоялар ва қиссалар тўплами илк бор ўзбек тилида нашр этилди. Рус ёзувчилари Лев Толстой, Василий Шукшин, япон ёзувчиси Акутава Ронэску, озарбойжон ёзувчилари Юсуф Самад ўғли, Элчин, Ашраф Иброҳимов, татар ёзувчиси Тоғиқ Айди, тожик ёзувчиси Жума Одинаев, грузин ёзувчиси Григол Абашидзенинг қатор асарларини она тилимизга таржима қилди.

Ўқувчилар эътиборига тақдим этилаётган янги “Варақсиз дафтар” китоби эса адибнинг аввал ҳеч қаерда қайд этилмаган, аммо бутун оммага айтишни истаган юрак тубида сақлаган ҳақиқатларидир.

Бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай дейди: “Ўшбу китоб ўзим бевосита иштирок этган, кўрган воқеалар ҳақида. Бировдан эшитган гаплар, воқеалар йўқ. Улар ошириб, бўртириб, ҳатто бадиий сайқал бериб ёзилмади. Баъзи ўринларда муайян шарҳлар, мулоҳазалар битилди, ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун изоҳлар берилди, холос.

Китобга “Варақсиз дафтар” деб ном берилгани – бу воқеалар на ён дафтарга, на диктофонга ёзилган. Ҳаммаси варақсиз дафтарим – хотирамни “титкилаб”, “варақлаб” улардан танлаб олинган ва китобхонадаги эътиборига тақдим этиши лозим, деб топилган лавҳалар. Мабодо, айрим сана ёки рақамларда хатолик учраса, азиз ўқувчилардан узор срайман”, деб ёзади адиб.

Асар муаллифнинг ҳаёти ва фаолиятига муқояса қилиниб, шартли равишда бешта дафтарга бўлинган. Эришган ютуқлари, юксалиш зинапоаяларидаги диққатга молик ҳар бир детал инобатга олинган. Шу маънода мазкур китобни муаллифнинг мактаб йилларидан тортиб, салкам 60 йиллик меҳнат фаолиятига нисбатан виждон сарҳисоби, дейиш мумкин.

Махсус монтаж бошқармасида оддий ишчи бўлиб иш бошлаган талаба не-не машаққатли меҳнатлар, сарсону саргардонликларга, тақдир сўқмоқларида эврилишларга учраб, олижаноб инсонлар кўмаги ва устозлар рағбати билан вазир даражасига кўтарилади, йигирмадан ортик давлатни кўрган жаҳонгашта журналист, адиб ва арбобга айланади.

Муаллиф ўзи бевосита иштирок этган қизиқарли воқеалар, кўрган-кечирганлари ҳақида, муҳим қарорлар қабул қилишдаги мураккаб ҳолатлар тўғрисида равои тилда ҳикоя қилар экан, уларни бутунги дориларомон замон билан таққослайди ва шу кунларга етказгани учун шукрона қилади.

Китобда муаллифнинг яқин дўстлари, ҳамкасблари, устозлари, атоқли шоир ва ёзувчилар, олимлар, санъат даргалари ҳақида ҳикоя қилинган ва уларни адибнинг ўша улуг инсонларга чексиз эҳтироми рамзи-ифодаси дейиш мумкин.

Маматқул Ҳазратқулов жамиятимизни қийнаётган ва сурункали тус олган энг огриқли муаммоларга ўзининг узоқ йиллик кечинма-англамалари ва юксак виждон позициясидан келиб чиқиб баҳо беради, мантиқий мушоҳадаларини журналистик кузатишларидан ҳосил бўлган аниқ тақлифлар билан тўқдириб баён этади.

Китобдаги ҳар бир лавҳани ўқир экансиз, муаллифнинг ижтимоий иллатларга эътироз, ҳаётини принципларига зид ишларга нисбатан ўзига хос “қаршилиқ ҳаракати”, кўплаб инсонлардаги салбий ҳислатларга чуқур ачинаши-афсусланиш кайфияти, ўша даврдаги бюрократик ва нодемократик бошқарув тизимининг юракзада тартиб-тамойиллари раддиясини турфа манзаралар остида теран сиздириб кетганини тушунади.

Ўрни келганда эслатиб ўтиш жоиз. Маматқул аканинг давлат ва жамият олдидagi хизматлари муносиб эътироф этилган. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони (1988), “Меҳнат шухрати” (2011) ва “Фидокорона хизматлари учун” (2017) орденлари билан тақдирланган.

2023 йилда Боку шаҳрида ўтган туркий давлатлар китоб ва адабиёт иккинчи фестивалида халқаро ТУРКСОЙ ташкилотининг “Низомий Ганжавий” медали топирилади, “Энг улуг, энг азиз” республика танловида “Китобим ичра сен борсан” китоби йилнинг энг яхши публицистик китоби номинациясида биринчи ўринга лойиқ кўрилади.

2019 йилдан “Гулистон” журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлаб келатган Маматқул ака ҳамон ижтимоий фаола, иждодий завқ-шавққа тўлиб меҳнат қилмоқда. Сўзимиз якунида, ғайрат-шижоатдан ҳеч қачон чарчаманг, толманг, доим соғ ва омон бўлинг, устоз, деймиз.

Тафаккур



Фақат менинг изимдан юра оладиган инсонни эмас, елкамда туриб, мен кўрмаганимни кўра оладиган кишини асл шоғирдим деб тан оламан.

Баҳоуддин НАҚШБАНД

Ниманидир яширмоқчи бўлсангиз, уни китоб ичига яширинг. Чунки бизнинг халқ – китоб ўқишни истамайдиган халқдир.

Айман ЁҒИЙ

Агар илму маърифатнинг сурати бўлганида у қуёшдан, ойдан, осмону юлдузлардан-да гўзалроқ буларди.

Ҳасан БАСРИЙ

✓ Мардлик ҳақида кўпинча кўрқоқлар, яхшилик тўғрисида ичиқоралар тўлқинланиб гапирди.

✓ Соддалик, олижаноблик ва ҳақиқат йўқ жойда улугворлик бўлмайди.

✓ Барча нарса фикр-тафаккурга боғлиқ. Тафаккур ҳамма нарсанинг бошланishi. Фикр билан бошқариш мумкин. Демак, мукаммалликка эришишининг асосий омил – фикрлаш, тафаккур қилишидир.

Лев ТОЛСТОЙ

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100



Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 201

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!

Адаби – 2 021
Босишга топириш вақти – 21.00
Босишга топириш вақти – 21.10
Баҳоис келтирилган нархда